

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ  
ЧИКИШИ

№ 223 (4939).

12  
НОЯБРЬ  
ДУШАНБА  
1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

## ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ҳамда область касаба союзулари Совети обласдаги шахарлар саноат корхоналари ҳамда қурилиш ташкилотларининг 1973 йил учинчи квартал бўйича социалистик мусобақаси якуниларини қараб чиқиб, қарор қабул қилдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзулари Советининг кўчма Қизил байроғи Чирчиқ шахрига (шаҳар партия комитетининг секретари Ф. Г. Якубов, шахар ижроия комитетининг раиси В. А. Ларин, шахар касаба союзулари Совети

раиси У. Омонбоев, шахар комсомол комитетининг секретари А. Солиев) беришга қарор қилди.

Шаҳар саноат ва қурилиш коллективлари учинчи кварталда маҳсулот реализация қилиш планини 101,8 процент баъришга эришдилар. Меҳнат унумдорлиги плани эса 102,7 процент адо этилиб, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига йил бошидан буён 812 минг сўмлик маблағ тежалди. Шаҳарда асосий фондларни ишга тушириш плани 162 процент бажарилиб, ишлаб чиқариш мақсадларидаги асосий фондларни ишга тушириш топириги 2,7 баравар ошириб бажарилиб, Байроқ Ангрен шахридан олиб берилди.

Шунингдек, шахар ва район партия комитетлари, шахар ва район ижроия комитетлари, касаба союзулари облас комитетларига ҳар бир корхона бўйича топириқларининг баъришга қилиш сабабларини пухта аниқлаш, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда фақат давлат планининггина эмас, балки беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили учун социалистик мажбуриятларнинг ҳам бажарилишини таъминлайдиган зарур ташкилотчилик ишларини амалга ошириш топирилди.

## ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ОЛМАЛИҚ мис эритиш заводида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона ишлаётган ишчилар жуда кўп. Хамид Алимбеков ана шундайлардан бири. У беш бўлишга қарамай ўз касбини пухта эгаллаган. Шу бондан ҳал қилувчи йилда ойлик, квартал планларидан ташқари социалистик мажбуриятларини ҳам олтидан адо этмоқда. Шунингдек бу илгор мис эритувчи байрамолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, пландан ташқари кўплаб сифатли мис эритишга муваффақ бўлди. Суратда: мис эритувчи Х. Алимбеков.



## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КИЕВГА ЖўНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Югославия Федератив Социалистик республикаси президенти, Югославия Коммунистлар Союзи раиси Иосип Броз Тито билан учрашди ва суҳбатлашди. 10 ноябрда Москвадан Киевга жўнаб кетди. Иосип Броз Тито КПСС Марказий Комитетининг тақлифига буюнган дўстона визит билан Совет Иттифоқига келди.

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катусhev, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг ЮОФСРдаги элчиси В. И. Степанов.

ков ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар. Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, А. П. Кирilenko, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бешчев, В. В. Кузнецов, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, К. У. Черненко, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелокоев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари А. М. Александров, О. Б. Рахманин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Киев вокзалида ўртоқ Л. И. Брежневни узатиб қолдилар. (ТАСС).

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КИЕВГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети тақлифига буюнган дўстона визит билан Совет Иттифоқига келди. Югославия Социалистик Федератив Республикаси президенти, Югославия коммунистлар союзи раиси Иосип Броз Тито билан учрашди ва суҳбатлашди. 11 ноябрда Киевга келди.

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катусhev, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг ЮОФСРдаги элчиси В. И. Степанов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Киевга келдилар. КПСС Марказий Комитети Сий-

сий Бюроси аъзоси, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари В. В. Шербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. С. Грушецкий, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Украина Компартияси Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзолари ва аъзолик-на кандидатлар, Украина ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрлари ва идораларининг, Киев шахри ва облас партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари, шахар меҳнаткашларининг намуналари вокзалда ўртоқ Л. И. Брежневни кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев вокзалдан қароргоҳига бораётган йўлда Украина пойтахтининг минг-минглаб аҳолиси уни самимий табриқлади. (ТАСС).

## Л. И. БРЕЖНЕВ А. МУҲАММАД БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг тақлифига буюнган Москвага келган Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Азиз Муҳаммадни қабул қилди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев қатнашди.

Самимий, ўртоқларча вазиетда ўтган суҳбат чоғида КПСС билан Ироқ Компартияси ўртасида дўстона алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хозирги ҳалқаро аҳоли тўғрисида фикрлашиб олинди. Яқин Шарқдаги вазиетга алоҳида эътибор берилди. Бу районда Исроил агрессорларининг айби билан шу йил октябрь ойида яна қуролини можаро бошланди.

А. Муҳаммад араб мамлакатларининг ўз миллий мустақиллигини ва суверенитетини таъминлаш, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун сарфлаётган куч-ғайратига мадд бериш сийсатини изчиллиқ билан давом эттираётганлиги учун Ироқ коммунистлари номидан КПСС Марказий Комитетига аз Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Совет томони КПСС билан Совет ҳукумати араб халқларининг Исроил қўшунларини улар 1967 йилда қўқулангач қилиб олган араб территориясидан олиб кетиш шу райондаги барча давлатлар ва халқларнинг, шу жумладан, Фаластин араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш асосида Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш мақсадида олиб бораётган адолатли курашини КПСС билан Совет ҳукумати қўллаб-қувватлайди деб таъкидлади.

Л. И. Брежнев Исроил агрессиясига дучор бўлган араб давлатларини қўллаб-қувватлашда мустақил ривожланиш манфаатлари йўлида ўзининг нефть ресурсларидан арабларнинг агрессияга қарши кураши йўлида самарали фойдаланаётганлигига юксак баҳо берди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ўз мустақиллигини мустаҳкамлашда Ироқ халқига ёрдам бериш туришдан, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Ироқ шартномасига мувофиқ ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат йўлга Совет Иттифоқи ҳамisha амал қилиб туришини таъкидлади.

Томонлар КПСС билан Ироқ Коммунистик партияси ўртасида қардошларча дўстлигини янада ривожлантириш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

## МУКОФОТГА АМАЛИЙ ЖАВОБ

1-«Охангарон» совхоз чорвадорлари 1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотларини еттиштириш ва тайёрлашни қўнайитиришдаги учун СССР Осиё-оқит саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланди ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ғолибларидан бири бўлди.

Бу ғалаба ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Совхоз чорвадорлари қишлоқнинг намунали ўтказдилар. Ҳамма турдаги молларнинг туғини ва маҳсулотини пландагидан анча оширдилар. Масалан, қўйлар сонини

шу давр ичиди, 10800 бошдан 12300 бошга, соғин ситирлар сонини 680 бошдан 740 бошга етди. Паррандалар бир ярим баравар кўпайтирилди. Ўтган йилга нисбатан 300 бош қўй қўзан олинди. Ҳар бир бош қўйдан пландаги 3 ўринга 3,7 килограммдан жун қириб олинди. Давлатга бултўғида 1240 килограмм қўй жун топирилди. 9 ойда йиллик планда белгиланган 600 минг ўринга 620 минг дона туҳум олинди. Сут соғиб олиш йиллик плани 9 ойда 88 процент бажарилди. Ҳар бир соғин ситирдан соғиб олинган сут ҳоли 2300 килограммдан ошиб кетди.

Бу ғалабалар чорвадорлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнатлари натижасида қўлга киритилди. Чўпон Собир Пулатов, Адхам Тургунов, Мўмин Каримов, Телов Маҳмазов ва Абдушукур Қурдашевлар ҳар 100 бош қўйдан 90 ўринга 103-105 бошдан қўзан ва ҳар бир бош қўйдан 4,5 килограммдан жун олдилар. Бу азамат чўпонлар қўзиларнинг ҳаммасини соғлом ва семиз ўстирдилар. Ўн беш чўпоннинг ҳаммаси ҳам қўзан ва жун олиш планларини ошириб бажарди.

Тўлғоной Қодирова, Қаримза Фароқова, Х. Анорбоева, Ф. Шерова қабил ўғил сўт соғувчилар ҳар бир бош ситирдан 9 ойда ўтган йилдагига тенг сут соғиб олишга эришдилар.

Совхоз чорвадорлари 1973-1974 йил қишловига ҳам пухта тайёрланмоқдалар. Бу йил янгидан 400 бош қўзан олишга мақсад қўйилди. 1200 ўринлик ички қўйхона, 5 минг ўринлик паррандахона қурилиб, фойдаланишга топирилди. 1673 тонна қўй дағал шаштак тайёрланди. Бунинг 3000 тоннадан ошгани сенж қилинди. Бултўғида 688 тонна қўй майдаланган озуқа тайёрланди. Ҳар бир ситир бошига 8 тоннадан махкажхори силос бостирилди. Ел-хашакларнинг ҳаммаси молхона ва қўралар ёнига йиғиб, қарама-қарши қўйилди. Т. ХУШНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ экспериментал пиллакашлик фабрикаси коллектив бarchа маҳсулотини фақат аъло сифатли қилиб чиқариш учун курашмоқда. Навлар-

га ажратувчи Зарифа Едгоров ва ҳам ана шу умумколлектив ишга муносиб ҳисса қўйишти. Пиллаи навларга ажратилган юқори кўрсаткичларга эришмоқ-

да. Суратда: Зарифа Едгоровани иш устида.  
И. Глауберзон ва  
В. Сироткин фотолари.

## ЗАРБДОР ҚУРИЛИШДА

Олмалик химия комбинати иккинчи навбатининг қурилиш... Қўнча бўй чўзган улкан минорани етлашувчи завод турбалари... Моторлар, кўтаргич қранталар, турли хил механизмларнинг тиним билмай гулдирашлари билан ишчиларнинг қизгин бунёдкорлик меҳнати ҳамоҳанг бўлиб кетмоқда.

Монтажчилар кечаю-кундуз мовий чарқоқ шуъласини таратиб ишлашди, деҳисиб пўлат равиоқлар ва усуналар пайвандланмоқда, қурилишда охириги ишлар бажарилмоқда. Қурувчилар ҳам, заводдан фойдаланувчилар ҳам Олмалик химия комбинатининг иккинчи навбатини тезроқ битказиб, шу йилнинг 30 ноябрь кўни дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Шу сабабдан бу ерда кечаю-кундуз бир маромда иш бормоқда.

Улкан қурилишда шижоатли меҳнат тобора авж олиб бормоқда. Тез қўнча янги корхонанинг маҳсулотини истеъмолчиларга жўнатила бошлайди. Шонли комсомолларимиз ота-бизиди бу зарбдор қурилишдаги меҳнат аҳлининг аҳди шундай.

Комбинатнинг иккинчи навбатини қуриб тугаллаш даврига киришган хозирги дақиқаларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг 300 кишилик қурилиш отрядининг ёрдамга келиши ва ўз ҳиссаларини шараф билан бажариб қилишмоқда ва меҳнатда ҳамда турмушда совет студентига хос улуғвор фаилатларини; юқори оғиллиги, меҳнатсеварлиги, бир-бирига ўртоқларча муносабат коллективизм, ўртоқларча ҳамкорлик ҳислатларини намуна қилишмоқда.

Институт студентлари қурувчилар билан биргаликда социалистик мусобақада қатнашиб, тўққизинчи беш йилликнинг зарбдор қурилишларидан бири бўлган Олмалик химия заводи-нинг иккинчи навбатини мўддатидан илгари топириш мажбуриятини олғайлар сафида туриб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатишляпти.

Шу кўнларда ўтказилганда спорт мусобақаларида қизгин тайёргарлик кетмоқда. Тошкент халқ хўжалиги институтини қурилиш отряди терма коман-даси билан Олмалик «Свнхострой» трести терма коман-даси спортнинг ҳар хил турлари бўйича ўзаро мусобақалашади. Бу мусобақани уюштиришда институт комсомол актив-ларидан В. Филъдучин, В. Ковалевский, Ш. Маматкуловлар бошчилик қилишмоқда.

Ш. АМИРОВ,  
Тошкент халқ хўжалиги институтининг илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси.

## ТАРИХИЙ ЙИЛЛИК ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари совет миллияси кунини нишонлашлар.

Республиканинг шахарлари ва районларидида бўлиб ўтган йилги ишлар ва кечаларда жамоат тартибини сақлашда алоҳида ибрат кўрсатган энг ахши ходимлар шарафланди. Милиция

ветеранлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ички хизмат бўлимаварини тўлирган ёшлар қасамд қилдилар.

Совет миллиясини ташкил этилганлигининг 56 йиллигига бағишлаб Тошкентда тантанали йилнинг бўлиб ўтди. Йилги ишлар шахар партия комитетининг

биринчи секретари А. А. Хўнаев очди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Х. Х. Яхёев доккад қилди. Шаҳар жамоатчилигининг, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг намуналаридан миллия ходимларини байрам билан табриқлашди. (ЎзТАГ).

# ЎТМИШДАН ЛАВҲАЛАР

Ҳайитбой оқсоқол. Сиз, аниқ, газет-хонлар, ана шу ном билан машҳур бўлган Калинин районидagi Беттепа қишлоқлик отахон ҳақида эшитсангиз, албатта, Ҳайитбой Тошмуҳамедов 30-йилларнинг жанговар ва актив коммунистларидан, колхоз ишлаб чиқаришнинг ажойиб ташкилотчиларидан эди. У революцион кайфият, жанговарлик, ташкилотчилик унаси Рустам Тошмуҳамедовга ҳам таъсир қилмасдан қолмади. У ҳам акаси индан бори коллективлаштириш ишида актив қатнашди.

Ҳозир Рустам Тошмуҳамедов пенсияда. У қишлоқнинг ҳурматли, баобрў жамоатчи отахонларидан ҳисобланади. Қуйида Рустам ота Тошмуҳамедовнинг ўтмиш ҳақидаги хотираларидан ҳикоя қиламиз.

Акам чиндан ҳам ўтюркан, ташкилотчи, деҳқонларнинг дилдоши, ёзувчиларнинг ашаддий қўлдоши эди. — деб ҳикоя қилади Рустам ота. Унинг келажакки ишончи зўр эди. Мен унинг масхара билан қишлоқда очилган тракторчи-лар таъбиридан курсига кириб ўқиб чиқдим. Ўша 1925 йилда Чингайот селъпоси қишлоқда ширкатга аъзо бўлиб кирдим. Тракторчилик қишлоқдашди. Ширкатда бор-йўғи уч трактор ишлар эди. Лекин юмшқ кўш, ҳаммасига улгурин керак. Ер ислоҳотида қатнашдим. 1926 йил Тошкент қишлоқ районига қарашли Қозоққенгсайдаги ерларни тақсимлаш бошланди. Акам билан масхара қилиб 1926-1927 йилларда уч гектар ер олиб агрономия усулида пахта эдик. Ҳосил яхши бўлди. Пахтани Қирғизлардан қабул пунктга олиб бориб топширдик.

Ана шу тариқа Рустам Тошмуҳамедовнинг эл ўртасидаги обрўси ортаборди.

1930 йилга келиб колхоз тузилди. Бу қолхозга «Батрақ» номи берилди. Деҳқонлар колхозга бир овоздан Рустам Тошмуҳамедовни раис қилиб сайлади. Колхозга 75 хўжалик аъзо бўлиб кирди. Правление составили Рустам Тошмуҳамедов билан бирга Абдуқадир, район вакили Умар Раҳимов, Раҳмат Шобобовлар ҳам киритилди.

Лекин колхоз тузилиши оsonликча бўлмади. Ет унсуралининг иккисига учган Шерим ака, Абдусаттор Каримов, Олим Холмировлар мажлиси, ташлаб чиқиб кетилди. Дин ниқобига ўралган душманлар уларнинг рақмалликларида фойдаланмоқчи бўлибди.

Мачитда номоз ўқиб бўлинач, фитна уюштирилди. Шерим ака, Абдусаттор, Олим Холмировлар, Хусанларни дин ниқобидagi душманлар Рустам акага қарши чархладди. Бу динсиз, кофир, ҳамманга йўлдан урмоқда. Шарият ишга ҳилоф иш тутмоқда, деб айтилди.

— Нима қилайлик, — деб қолди шунда Шерим ака, — бўйинги қисиб.

— Олло таоло бундайларни ўлим жазаосига лойиқ қўладур, — деб айтишди диндорлар.

Шерим ака, Абдусатторларнинг қўзларини қиндан чиқаёди. Афтидан улар бундай тақлифни сира қўйишмаган эди.

— Ахир бу гуноҳ-ку, — деб айтди Шерим ака.

— Ҳўр овозингиз, — деди домла, — кофирини ўлдирмоқ савобдур.

Шундай қилиб диндорлар Шерим акаларни бу муҳим ишга қўл уришга қўйдиришди. Улар тўрт киши бўлиб ярим тулда Рустам аканинг уйига бостириб кирдилар.

— Шу кун мен уйғор эдим, — деб айтиди Рустам ака, — районда бўлган йилгишдан эндигина келиб турган эдим. Уларнинг шарасини севган, лампа ёқоғи ёриб, ёнига тўполчанлиги кийиб сени ташқарига чиқдим. Тарасам, ўртаҳол деҳқонлар Шерим, Хусанлар, Улар дорор паналаб сени уй томонга келишпти. Мен йўналиб қўйдим. Улар хўшёр тортишди. Хеч нарсани билмаган кишидек улар томонга пешвоз чиқиб бордим.

— Келинлар, — дедим ичимағи ҳажини сездирмай, — бемаҳалла нима қилиб юрибсизлар, — ёки адашиб қолдиларингиз?

## Ветеран коммунистлар ҳақида ҳикоялар

— Адашганимиз йўқ, — деди Холмировлар, олазар қўзларини ўйнатиб, муштини қисиб, — биз сени... тишларини тикирлатди уч. Бошқа гапни айтмоқчи.

Давлатан бу ҳолатдан ҳалжонланиб бироз яим бўлиб қолдим. Булар ўртаҳол деҳқонлар, уларни тақлифлашган кўринади, ҳайлданан ўтказдим.

— Қани уйга қайрайлик, — дедим ниқобга ўнгини дадил тутиб, — менда нишларин бўлса, бамайхотир гаплашамиз.

— Йўқ, — деди шунда наирорда турган Абдусаттор. Бу мумкин эмас. Ёилларнинг йўлими бошқа.

Сўнг у шарикларига ҳам нима қилди, қани кетди!

Рустам ака уларни тўхтатиб, гап билан ҳужумга ўтди.

— Янгилашсанлар оғайнилар, — деди у, — йўлимиз битта. Сизларнинг нима ниятда келганларингиз энди менга аён бўлди. Лекин бундоқ ўйлаб кўринлар. Бордиро, ниятларингизга етиб келин ўлдиринлар. Лекин шу билан мақсадларингизга етасизларми? Бошланган ишни тўхтатиб қўй оласизларми? Ахир, сизларнинг қўй оласизларми, фарзандларингиз бор. Сизлар ҳам бундай кўнрақларингизга шамол тегиб турмуш кечирини ора қиласизлар. Шундай бўлгач, нега душманларингиз тегирмонга сув қўясизлар. Биламан, сизларнинг қўнрақдан ёмонлиги келмайди. Бола-чақаларингиз олдига бадном бўлишни истамасизлар. Сизларни алдашган. Йўнган уммасаларингиз яхши бўларди. Бола-чақаларингизнинг келажакни ўйласангиз бўларди. Мен бунга ошасанлар. Хатоларингизни тушуниб оласизлар.

Улар Рустам аканинг уйдан бетишлай бошқача одам бўлиб чиқиб кетди.

Рустам ака янгилашмаган эди. Кейинчалик улар ўз хатоларини тушуниб оlishди. Шерим ака икки оти, икки сўчаси, Холмировлар эса бир отараваси билан колхозга аъзо бўлиб кирди.

Ўша маҳалда бу колхознинг 200 гектар ери, 42 от-араваси, 12 хўжини бор бўлган. Ўрта Осиё «Многосоюз» ташкилоти бу колхозни оталиқга олган эди. Тошмуҳамедов оталиқ ташкилоти

билан маҳкам алоқа боғлаб, улар орқали колхозга 1500 бот беда, бир тонна ема-арпа келтирди. Оталиқ ташкилоти колхозга трактор ҳам сотиб олиб берди. Лекин колхозда раисдан бошқа тракторчи йўқ эди. Шунинг учун ҳам рулга раиснинг ўзи ўтирди.

Рустам Тошмуҳамедов ҳаёти ажойиб лавҳаларга бой у кейинчалик колхозда дондор бригада бошлиғи сифатида ҳам обрў қозонди.

1933 йили, — дейди у, — эски кўрпак кесаларини далага ташиб, ерини ўзгариб, мўл ҳосил етиштирдик. Бедовийи трактор билан ҳайдаб картошка экиб ҳар гектардан 20 тоннадан ҳосил олдик. Ўша йили колхознинг Усмон Юсупов келиб қолдилар. Бригадамизнинг ишидан хурсанд бўлиб кетдилар. Мени ўқишга юборишни маслаҳат қўйдилар.

Уларнинг тавсияси билан бир ой саҳатга йўланма олиб бердилар. Москва ва Ленинград шаҳарларини айланиб қайтдик. Иттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калининнинг қабулида бўлдик. У киши янги усулни кўпроқ қўлланлар, тракторлар қўнаяди, келажакда ҳаммаси яхши бўлиб кетади, буш келманлар, гайрат кўрсатинлар деб айтилар.

Москвадан олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Яна ҳам гайрат, яна ҳам шижоат билан ишга киришиб кетдик. Колхоз — тузуми, ана шу зайдда шаклланиб галаба қилаборди.

Колхоз ишлаб чиқаришнинг кенса ветерани бўлиш Рустам Тошмуҳамедовнинг ҳикояси чиндан ҳам таъсирли эди.

Оталар бошлаган ишни ҳозирги кунда фарзандлар давом эттириб колхозни тулгала-яшнатмоқдалар. Пилдан йилга экинлардан мўл ҳосил олиб, чорвачиликни юксалтириб эл ҳурматиға сазовор бўлмоқдалар.

Н. РИХСНЕВ,  
Калинин районидagi Калинин колхоз.

## Қишлоқ қурилишлари учун

«Узколхозстройматериал» бошқармасига қарашли Энгурлиш материаллари комбинатининг ишчилари ҳал қилувчи илв тошпириқларини муҳтафидан аввал бажаришди.

Социалистик муСОБАҚАНИ янада қизитиб юборган азамат ишчилар 12 миллион донга йишқигиш таъбирлаб, тўғиз ойлик тошпириқни 101,1 процент бажаришди. Бу давр мобайнида 15 миллиондан орттиқ хом гишт ҳам таъбирланди, бу соҳадаги тошпириқ муваффақиятли бажарилиди.

Комбинатнинг бундай муваффақиятига Оққўрғон гишт заводи коллективи муносиб ҳисса қўйди. Корхона маҳсулот таъбирлаш ва реализация қилиш йиллик планини шарф билан бажарди. Ҳозиргача 1974 йил ҳисобига 385 минг донга гишт таъбирланди, йил охиригача 550 мингга етказилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон ССР да ҳизмат кўрсатган буювчи» Б. Имомбеков бошчилиги қилатган Калинин гишт заводи, М. Юманов директорлиги қилатган Бўстонлиқ гишт заводи ҳам катта муваффақиятини қўлга киритишди. Бу ҳар икки завод коллективи ойлик тошпириқларини 115—120 процент қилиб адо этипти.

Аммо комбинатга қарашли Тўйтаба, Пискент гишт заводлари тошпириқларини бажара олмади, қурилиш ташкилотларига тўғиз ой ишла пиланда босилгангандан 500 минг донга йишқигиш ҳамда 1 миллион 300 минг донга хом гиштини кам етказиб бердилар.

Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ярим асрлик юбилейига комбинат ишчилари муносиб туҳфа таъбирламоқда. Пискент ва Назарбек посёкисидagi янги заводлар қуришмоқда. Бу заводлар йилига 8—10 миллион донга йишқигиш таъбирлаб олади.

Комбинатда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тоқамкорликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтган ойлар ишида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давригача нисбатан 1 процентга оширилиб, 7000 сум маблаг, 20000 тонна ёқилғи, 50000 киловатт-соат электр энергияси тежаб қилинди.

Т. НАЖМИН.

## Метрополитен бунёдкорлари

Тошкент метрополитенини кўн йиллар самарали меҳнат қилиб, бой тажриба тўплаган илгор мутахассис қурувчилар бунёд этишмоқда. Шу бонсдан бу ерда олиб борилаётган иш ҳажми кун сайин кенгайиб борапти. Сиз ушбу сурагача (Чиндан ўнгга) Октябрь революцияси эстадиининг қуришда жамбонлиқ кўрсатиб келганлар прохотдачилар бригадасининг бошлиғи В. Шиланков, ҳамла эстадиисидagi ишлайтган илгор прохотдачи А. Абрамов, Бригада бошлиғи И. Маруини ва прохотдачи коммунист Р. Грушакларини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



## Ўзаро талабчан бўлайлик

Чирчиқ ойна заводи коммунистлари Бўстонлиқ районидagi биринчилар қатори янги партия билетини олишга муассас бўлидилар. Янги партия билетларини олган 53 коммунистнинг ҳаммаси шу кунларда йилин муваффақиятли ахунлаш ва беш йиллик тошпириқларини бажариб адо этиш юзасидан бошланган муСОБАҚАДА пешқадамлик қилмоқда.

Ҳисобот даврида завод коммунистларининг фаолиятида катта илқобий ўзгаришлар юз берди. Партия ташкилотининг жанговарлик қобилияти ошди, коммунистлар гоёвий-сиёсий жиҳатдан чинишди. Айниқса партия ҳужжатларини аламатли тартибда таъбирларик кўриш даврида коммунистларга нисбатан талабчанлик ўстирилди. Улар ўзлари бажараётган ишлар юзасидан партбюро олдида ҳисоб бердилар. Пассив коммунистларга нисбатан талабчанлик оширилди, улардаги кучли ва кучсиз томонлар кўрсатилди.

Қурилган тадбирлар яхши самараларини берди. Корхонада ишлаб чиқариш тошпириғи ойма-ой бажарилиб, ўтган давр мобайнида планга қўшмача 150 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкони туғилди. Илгор тажрибаларини кенг қўлланиш, маъжуд резервлардан унумли фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлиғи қўзлангандан салкам уч процентга ошди.

КОММУНИСТИК меҳнат зарбдори Мария Степанова ўн беш йилдан буюн Тошкент трикотаж фирмасида ҳалол меҳнат қилиб келади. А. Деятованинг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган, бу меҳнатсевари аёл беш йиллик шахсий тошпириғини муддатидан илгари адо этиш учун нормасини доимо 130—140 процентга етказиб адо этмоқда. Суратда: М. Степанова

У. НИЗОВ.

## БАЙРОКДОР ЗАВОД

Ички резервлардан самарали фойдаланиб, илгор фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий қилётган Усмон Юсупов номли аграр йорламшасига қарашли Янгиўл йиновозови ишчи ва хизматчилари, катта ютуқларга эришмоқдалар. Завод бутун кўрсаткичлар бўйича 1973 йил давлат планларини ошириб бажаришди. Пиланда қўрсатилган 12550 тонна узум таъбирлаб, узум таъбирлаш планини 128 процент қилиб бажаришди. План бўйича таъбирланган керак бўлган 1380 тонна олма ўрнига 10570 тонна олма таъбирлаб, планини 8 баробар ошириб бажаришди. Олма ва узумдан 1280 минг деколитр винобон маҳсулот олинди. Бундан ташқари 600 минг деколитр олма шарбат таъбирланди. 1973 йил учинчи кварталда завод бўйича 1111

минг деколитр вино ишлаб чиқариш керак эди. Вино ишлаб чиқаришнинг 1131 минг деколитрга етказиб бажариб, вино ишлаб чиқариш планини 101,8 процент қилиб бажаришди. Пилдан ташқари 20 минг деколитр маҳсулот, яъни 400 минг шиша ортинча вино ишлаб чиқаришди. 1973 йил учинчи кварталда пландан ташқари тўрт минг деколитр вино ишлаб чиқариб, 48 минг сўмлик ортинча маҳсулот реализация қилинди.

Ўртоқ Раҳматуллаев бошлиқ «Дамачи» вино пункти ўтган йили 2677 тонна узум таъбирлаб бўлса, бу йил 4745 тоннага қўйди. Таъбирланган маҳсулотни ишлаш учун вино пункти қайтадан реконструкция қилинди. Бу ютуқларини қўлга киритиш учун завод маъмурияти бирқанча ибратли ишларни

амалга оширди. Қўзов ҳеҳида илгари битта автомат ишчи ювиш машинаси ўрнатилган бўлиб, у соатига 300 донга ишчи ювар эди. Эндиликда цех қайта реконструкция қилиниб, иккита автомат ишчи ювиш машинаси ўрнатилди. Бу машиналарнинг ҳар бири соатига 600 галдан ишчилни ювади. Заводда ремонт-слесарик устандаси, ишчилар кийимбош етказиш хона, дўш, 70 ўрнидан ошхона қурилиб битказилди. Илгарилаги таъбир маҳсулотини қабул қилиб оладиган цех қишлоққа олиб талабга жавоб бермас эди. Цех қайтадан реконструкция қилинди, кенгайтирилди. Ишчилар ҳар қандай об-ҳаво шароитида иссинк хоналарда ишлайдилар учун шароит яратилди. Идишлар илгари оғиқ ҳавода сакланган эди, Эндиликда идишлар саклангандан замонавий тиндаги навеслар қурилиб, усти ёшилди.

Т. ЮСУПОВ.

## ЙИЛЛИК ПЛАН — ТЎҚҚИЗ ОЙДА

нов, Машкура Зайнулдинова ва бошқалар ўз фидокорона меҳнатлари билан муносиб ўлуш қўйдилар.

Ушбу Октябрь Социалистик революциясининг 58 йиллиғи байрамини муносиб меҳнат сонгалари билан қарши олган беш ишчилари шу кунларда беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига маҳсулот жўнатишмоқда.

Корхонанинг сутни қайта ишлаш цехи коллективи ҳам социалистик муСОБАҚАДА пешқадамлар сафига боришмоқда. Бу цех ҳам белгиланган йиллик

планин муваффақиятли адо этди. Цех тўғиз ой мобайнида Пискент район хўжалиқларидан етказиб берилган 1300 литр сутни қайта ишлаб, Тошкент шаҳар аҳолисига ҳар ойда 100 тонна сут, 5 тонна қаймоқ, 1 тонна сузма жўнатиб турди. Аппаратчи Розин Бекмурова, слесарь Гайрат Ортоқов сингари фидокорлар меҳнат қилаётган бу цех коллективи келгуси йил ҳисобига ишлаймоқда.

— Коллективимиз асосий мақсади, — дейди суҳбатда за-

вод ишлаб чиқариш бошлиғи Гўфур Соҳибов, — тўғизинчи беш йиллик план тошпириқларини муддатидан анча илгари бажаришдир. Чунки элмизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш бизнинг бирдан-бир вазифамиздир.

Янгида заводда ажойиб бир ихтиро кашф этилди. Олмалиқ сут заводининг директори, тажрибали мутахассис Номжон Иброҳимов сут маҳсулотлари қолдигандан пилва ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Бу

янгиликни ўзлаштириш Пискент сут заводиға тавсия этилди. Ҳозир ана шу мақсадга янги цех қуришмоқда. Республикада ишлаб чиқарилаётган ишчи-лорнинг худди икки қисмининг бераётган маъжур корхонада сут нивоси таъбирлашнинг ўзлаштириш озиқ-овқат санаотида янги истиқболлар очиб беради.

Сут нивоси — қуввати тўғиз градус бўлган чанқоқни босувчи, организмга жуда фойдали, ҳуштанг ичимликдир. Янгида бу янги ичимлик Бутуниттифоқ халқ хўжалиғи ютуқларини виставасида намоиш этилди ва у виставанинг учинчи даражали дипломини беш тақдирланди. Янги цех шу беш йиллик охиридаги ишга тушади ва шаҳарликлар дастури хонига қўлаб мазаали сут нивоси етказиб бера болайди.

Н. ҲИМАТУЛЛАЕВ.

## ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВЛАР

Бир ой давомида серкўёш дийримида москвалик йирин олим, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти лектори, ҳарбий фанлар доктори, профессор, истефодаги генерал-лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда ва босмачиларга тормор этишда актив қатнашган Виктор Генрихович Поздний меҳмон бўлиб турди, республикамиз ютуқлари билан таъинли ва турли мавзуда ўйлаб-чўчур халқон билан яшайди. Газета ва китоблар орқали Ўзбекистондаги воқеаларни қанчалик диққат билан доимо кузатиб бормай, жуда кўп пайтларда ўз қўзғалимига ишонмай қолдим. Революциядан олдин Ўзбекистоннинг қандай аҳволда эканлигини яхши билганим учун амалга оширилган барча ўзгаришларнинг қанчалик буқонлигини чўқур ҳис қилдим. Мен дунёнинг жуда кўп мамлакатларидagi бўлганман. Шу салтанат билан равишда айта оламани, ҳозирги Ўзбекистон Осиё, Африка ва Латин Америкадаги кўнган мамлакатлар келажакдаги ушун яхши ўрнат қала олади.

Мени айниқса одамлардаги ўзгаришлар лол қолдиради. Езиш ва ўқиниш билувчи дамнинг қадри мазлум Туркистон ўлкаси учун сўз билан ифода бўлмайдиган даражада бўлганлигини мен ўз бошимдан кечирганман. Олдин камбағал деҳқонларнинг ниманидир чўчи турувчи, гамгин, дардчил, ҳаётга ишонсиз юз ифодалари доимо кўз ўнгимда туради. Энди эса, мен учрашган барча ўз-

беклар олий маданиятли, ўз қадрини ва ҳаётдаги ўрнини яхши ҳис қилувчи, фан ва маданиятининг барча соҳалари бўйича ҳозирги жаҳон даражасидаги фикр-мулоҳаза юрита олувчи кучли мутахассислардир.

— Ўз учрашувларингиз ҳақида кенгроқ гапириб берайсизми?

— Мен жуда кўп одамлар билан суҳбатлашган. Муваффақ бўлдим ва раъйхатинидаги низоҳатга гузал В. И. Ленин музейида, музика мактабиди, Танк ҳарбий билим юртида, Экономика институтида, Олий партия мактабиди, республика Ҳарбий Комиссариатида, Чирчиқ шаҳар партия активи ва хизматлари олдиди, Янгиўлдаги бир қатор хўжалиқларда, Калинин районидagi колхозларда, Бекобода, Самарқанддаги мауассасаларда турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказдим. Бу учрашувлар менда жуда катта таассурот қолдириди. Америка Қўшма Штатлари, Польша ва бошқа Европа мамлакатларидаги лекциялар ўтган бўлишига қарамастан Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлган ҳар бир учрашув олдиндан низоҳатда чўқур халжонландим.

— Виктор Генрихович, кенгир режаларингиз қандай?

— Мен кўнган тарихий воқеаларнинг гуноҳлиқ бўлиб, гапман, шуларни қозоғга тушириш ишларини бор. Энг аввало Ўзбекистон воқеаларидан бошламочиман. Агарда амалга ошса, ун ирринчи бўлиб ўзбек ўқувчилари диққатига ҳавола қиламан.



# ЖУРНАЛИСТ МЕХМОНИМИЗ

Шу йилнинг март ойида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Саноатни бошқариш йида» тақриб қилди. Бу қарор КПСС XXIV съездининг тўқинчи беш йиллик йили юзасидан Директиваларига мувофиқ қилди. Қарорда белгиланган тақриб қилди. Қарорда белгиланган тақриб қилди.

Константин Николаевич журналистлар аввало КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Март қарорининг бош бошқармаларини тугатиш ва Бутунитифоқ ҳақида республика саноат бирлашмалари барно этишга таълиқли пунктларига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Сизнинг фикрингизча қарорда назарда тутилган тақриблар экономикада янада ривожлантиришда қандай роль ўйнаши мумкин?

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг март ойида қабул қилган қарорлари иқтисодий ислоҳот ривожланишининг биринчи босқичи бўлиб қолди. Бу қарорда саноат бирлашмалари ҳақида кўпроқ эътибор берилган. Бу қарорда саноат бирлашмалари ҳақида кўпроқ эътибор берилган.

Хўжалик ҳисоби асосида ишловчи давлат-саноат бирлашмаси таъминоти янги типдаги таъминотдир. У асосида ишловчи хўжалик комплекси ҳисобланади. Бош бошқармаларда ўз маблаглари йўқ бўлиб, уларнинг ўз корхоналари олдидан оператив мустақиллиги, иқтисодий масъулияти лозим даражада эмасди. Бирлашма эса ана шуларнинг ҳаммасига тўла равишда эга. Унинг марказлашган фондлари бўлиб, бу фондлар корхоналар фойдасидан маълум нормативлар бўйича тақсимланади ва бирлашма томонидан мустақил фойдаланилиши мумкин. Ҳаммага маълумки, янги буюмларни тайёрлашни ўзлаштириш кўшимча ҳаражатларни талаб этади. Айрим завод учун бу иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас. Бундай ҳолларда бош бошқарма министридан маблаг ва ёрдам сўради. Бирлашма ўз фондларидан ҳаражатларни қоплаш имкониятига эга. Бошқа марказлашган фондлар ва резерв-

КОРРИДА.  
А. Устинов фотоси.

## МУЗИКА АСБОБЛАРИ КОРХОНАСИ

Донра, чанг, гижжак, най, рубоб... Улар ота-боболаримиздан бизга мерос қолган. Турли даврларда яратилиб, турлича тарихга эга ҳар бири.

Италия, Франция каби мамлакатларда маънавий қилинган. Бу йил эса Польша Халқ Республикаси ҳамда Сурияда ўтказилган кўргазмаларда махсус мукофот олди. Завод коллективи ўз маҳсулотларини Иттифоқимизга тақдим қилди. Бундан ташқари, Францияда ҳам кўп қисмлар билан бўлиб, уларнинг ўз корхоналари олдидан оператив мустақиллиги, иқтисодий масъулияти лозим даражада эмасди. Бирлашма эса ана шуларнинг ҳаммасига тўла равишда эга. Унинг марказлашган фондлари бўлиб, бу фондлар корхоналар фойдасидан маълум нормативлар бўйича тақсимланади ва бирлашма томонидан мустақил фойдаланилиши мумкин. Ҳаммага маълумки, янги буюмларни тайёрлашни ўзлаштириш кўшимча ҳаражатларни талаб этади. Айрим завод учун бу иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас. Бундай ҳолларда бош бошқарма министридан маблаг ва ёрдам сўради. Бирлашма ўз фондларидан ҳаражатларни қоплаш имкониятига эга. Бошқа марказлашган фондлар ва резерв-

## САЛОМАТЛИК ЛУРАТИ

НОД грекча термини бўлиб, «Иодес» — гунафша рағдиган сўздан олинган. 1813 йилда бу модда аниқланиб, француз кимёгари олими Жозеф Гей Луссак унга «Иод» деб ном берган.



Пойтахтимиздаги Бош универсал магазинда пластмассадан ясалган маҳсулотлар савдоси Бутунитифоқ кўргазмаси давом этмоқда. Унда намоиш этилган уй-рўзгор буюмлари хариддорларга маълум бўлмоқда. Шу туфайли уч кун ичидан 20 минг сўздан ортиқ маҳсулот сотилди.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосари — 835885, 837916. Маъсул секретари — 834808. Пропаганда ва адабиёт санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва кўриш бўлими — 833786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — 835811. Иш-

яни, анча самаралироқ формаси бўлиб қолади. Бошқаруви автоматлаштириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Тармоқ миқёсида уни комплекс амалга ошириш имкони туғилади. Ҳозир министриликда тармоқни бошқаришнинг автоматлаштириш системаси (АСУ) бир неча йилдан бери ишлаб турибди. Бу система иқтисодий жиҳатдангина эмас, ҳатто тарбиявий жиҳатдан ҳам анча-мунча аҳамиятга эгадир.

Журналистлар хўжалик ҳисоби ва бошқаруви автоматлаштириш иқтисодий раҳбарлигининг маълумий усуллари кўпроқ алмаштиришга олиб келини ҳақида тез-тез ёзиб турадилар. Шу ҳақида нималар дея оласиз?

— Партия ҳужжатларида хўжалик ҳисоби муносабатларининг марказлашган планлаштириш ва раҳбарлигини ҳар томонлама мустақамлаш асосида ривожлан-

тириш лозимлиги бир неча бор таъкидланган. Лекин ҳамма хўжалик ҳисоблари, ҳатто журналистлар ҳам бу жараённинг икки томонини тўғри тушуниб олишмаган. Бизнинг министриликми (у 1965 йилда тузилган) пайдо бўлишида ишлаб чиқаришнинг таъминоти этилиб қолган. Бу ҳисобларнинг бир хил бўлмаган 300 га яқин корхона ва илмий-тадқиқот муассасаларини олди. Уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий аҳволлари ҳам турли-туман эди. Уларни янги йўлга қўйиб юбориш учун соф маълумий усуллар билан анча-мунча тартиб ўрнатиш керак эди. Хўжалик ҳисоби палла-партишларини маълум кўрмайди. Агар ушбу усулни қўлланишга тўла тайёр бўлмаган корхоналарда жорий қилинса айрим намуналарда янада чуқурлашиб кетиши мумкин. Бунга эса ҳеч йўл кўйиб бўлмайди.

Биз биринчи қадамни тармоқ

корхоналарининг реал имкониятларини аниқлаш ёки иқтисодий тил билан гапирганда завод ички планлаштиришнинг оптималлаштиришдан бошладик.

Фақат планлаштиришнинг оптималлаштиришда ана шундай ҳисоб-китоб қилинган ҳар бир корхона бўйича ўртача ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум қувватлардан 2—5 процент кўпайтиришга эришиш. Дастлабки вақтда бу жуда муҳим роль ўйнади. Фойда кўпайди. Анчагина миқдорда иқтисодий рағбатлантириш фонди ташкил этилди. АСУни жорий қилиш ҳам шундай пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Дастлабки қадамлардан сўнг завод ички ҳисоби ва ҳисоботи формаларини қисқартириш ва унификациялаш кирдирилди. Бу иш ҳамон давом этаётган. Биз маълум 1290 формадан фақатгина 130 тага қисқартирилди. 130 тага қисқартирилди. 130 тага қисқартирилди. 130 тага қисқартирилди.

Журналистлар экономика ҳақида жуда кўп ёзишади. Бу тушунарли, албатта. Иқтисодий алоқалар ва уларни бошқаришнинг оптимал формаларини топиш биринчи даражада вазифадир. Партия, давлат ҳам

## ЭКРАНДА — ШОҲИМАРДОН

Илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар Тошкент студиясида суратга олинган янги очеркда Ўзбекистоннинг энг гўзал жойларидан бири акс эттирилган.

И. ХОТАМОВ.

шу ҳақида қайғурмоқда. Албатта маълумот ҳам бундан четда туролмайди. Хўжалик юретишнинг янги шартлари ана шу проблемаларни ўз-ўзидан ҳал қилади, деб кўтиш мумкинми?

— Бошқаруви янги принципларни иқтисодий таъминотини максимал даражада ривожлантирмай, экономикага раҳбарлик қилишда демократик централизмни янада такомиллаштириш амалга ошириш мумкин эмас.

Март қароридан бирлашмалар ҳузурида махсус маслаҳатлашув органи — директорлар кенгаши ташкил этиш назарда тутилди. Бизнинг министриликда бундай кенгаш бир неча йилдан бери ишлаб турибди. Кенгашда техника тароққилининг асосий йўналишлари, оқимлар ва ностандарт асос-усулларни марказлашган қўлқўлларни ташкил этиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинади. Кенгашда қўроқ корхоналарнинг иши таҳлил қилинади, илгор заводда тақриб алмашиш учун тузилди. Бошқаруви қайта ташкил этиш киши меҳнат қилаётган объектив шароитларни ўзгартиришга қўлмай, балки унинг ўзини ҳам ўзгартиради.

Март қарорини амалга ошириш, ҳали ҳал қилинмаган проблемаларни, балки у ўртага ташлаган янги муаммоларни ечишни тақозо этади. Батафсил гапириб ўти-

## САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Областимиз шаҳар ҳамда район физкультура ва спорт комитетлари, кўнгли спорт жамиятлари катта галабани қўлга киритдилар. Ҳамма кўрсаткичлар бўйича йиллик топшириқ бажаришди. Тўқтинчи беш йилликнинг учинчи йилида физкультурчилар сафига етти янги киши келиб қўшилди. Салкам беш юз йилликнинг биринчи раъзи нормасини бажариш. 133 спорт мастерилик номзод тайёрланди. 22 спортчи СССР спорт мастери деган шарафли номин олишга муваффақ бўлди. Халқаро мусобақаларда юқори

май, уларнинг айримларини кўрсатиб ўтмоқчиман. Министриликми тўла ўз-ўзини қоплашга ўтказилган. Балки бу чора бошқа тармоқ министриликлари учун ҳам фойдалидир. Бу ўз навбатида уларга умумдавлат иқро органларининг ҳуқуқларини ҳам бериб қўйишни талаб этади. Барча даражалардаги планлаштиришнинг оптималлаштириш ва узоқ вақт қўлланилган нормативларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалалар ҳал қилинмаган. Улар ҳал қилинсагина ана шундай планлаштириш амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда иқтисодий жавобгарлик механизми (масалан, фондлар учун ҳақ тўлаш) лозим даражада таъсир қўрматмапти. Фаннинг ишлаб чиқариш билан муносабатларида хўжалик ҳисоби принципларини қўлланишнинг чегаралари билан боғлиқ бўлган айрим масалалар ҳам муҳокама қилишга лойиқдир. Масалан, корхоналар ва комбинатлар илмий техник ишлаб чиқишлар, меҳнатни ташкил этиш бўйича тавсиялар ва ҳатто кадрларни тайёрлаш учун ҳаражатларни ҳам тўлашлари керак деган тақдирлар ҳам олдинга сурилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг март қарори чуқур қониқни ҳосил қилади, машаққатли ва масъулиятли ишга, янги изланишларга сафарбар этади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг март қарори чуқур қониқни ҳосил қилади, машаққатли ва масъулиятли ишга, янги изланишларга сафарбар этади.

## ЕВРОПА СОВРИНЛАРИ УЧУН

Европа футбол соаврилари учун навбатдаги мусобақалардан сўнг мамлакатимизнинг икки клуби — Тбилис ва Киев динамочилари курашнинг давом этишига қўшилди. Тбилисликлар Белград тақриб уйини да маҳаллий ОФК командасининг 5:1 ҳисобида, киевлик спортчилар Копенгагенда Даниянинг «БК-1903» клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ворошиловграднинг «Заря» футболчилари эса ўз майдонида Чехослованиянинг «Спартак»

## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Совет Иттифоқи футбол чемпионати мусобақалари тугаган бўлсада, олий лига командаларининг чет элларда ва мамлакатимиз стадионларида ўртоқлик учрашувлари давом этмоқда. Республикада Москва спартавчилари меҳмон бўлиб ўрибди. Бу команда Ўзбекистоннинг футбол коллективлари билан бир неча ўйинлар ўтказ-

ди. Жумладан, Фарғонанинг «Нефтчи» командасини 2:0, Андижоннинг «Андижанец» футболчиларини 1:0 ҳисобида енгди. 8 ноябрь кунини маҳаллий «Пахтакор» стадионида янгида эгалари билан учрашди. Бу учрашув 3:3 ҳисобида тугади. Пахтакорчилардан Абдураҳмонов, Беклов, Хаджаеванинг москваликлар дарвозасига тўп киритишди.

## ҲАР ТЎҒРИДА

ДЕНГИЗ ОСТИДА САНАТОРИЙ

Болгариянинг Қора денгиз бўйидаги курортлари юмшоқ иқлим, олтиранг кўми, иссиқ суви ва қулай меҳмонхоналари билан маълум ва машҳур. Бу меҳмонхона ва санаторийларнинг қўчилиги шундоқ денгиз бўйида жойлашган. Ҳўш, уларни денгиз остига қуриш мумкин эмасмикин?

Болгария врачларининг фикрича, сув остидаги бундай шифохоналар ўзининг оёқошта шаронти билан киши руҳини ҳотиржам қилувчи маконга айланиши турган га. Аммо, бу ерда одам ўзини «денгиз асир» деб ҳис қилмасмикин? Архитекторлар бундан ҳам ҳисобга олишди. Денгиз тубида дам олувчилар учун энг қулай шароит яратилди. Яъни одатдаги хоналар, мебель, иссиқ ҳарорат бўлади. Кино экрани, музика зали, телевизор, кутубхоналар ҳам кишилар хизматига бўлади.

## ҚУЁШ НУРИ АЗИЗ

Токиода қўшватили уйлар планисиз яшашга қўйиб қўрилган. Шу сабабдан битта оқимонанар бундан бутун бир турар-жой қишлоғини қўш нуридан маҳрум қилади.

Япониялик оқимлар юқоридаги каби қишлоқларга қўш нуридан етказувчи мураккаб система лойиҳасини ишлаб чиқишди. Минора, автомат электр мотори, парабол шаклидаги эгик ойналардан иборат бу қишлоқ қўш нуридан ўзига яна, ушбу қўш нури тўғри тўшмайдиган турар-жой биноларига таратади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Реклама ВА Эълонлар

## БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ  
18.30 — Кўрсатувлар программаси. Рус тилида. 8.35 — Совет Армияси янгиликлари учун. «Ҳарбий меҳмонлар». 18.55 — Фанчилик хўжалигида. 19.15 дан — «Ахборот» инфоромцион программаси. 19.30 дан — Москва кўрсатади.

## ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.20 — «Оламда нима гап?», 20.50 — Ун минут музика, 21.00 — «Ахборот» инфоромцион программаси, 21.20 — «Мархаб, талантлар» телевизион фестивали лауреатларининг концерти, 22.30 — Телевизион театр. Э. Райнет. «Оқпадар». Телевизион спектакль премьераси.

## ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.30 дан — Москва кўрсатади, учинчи ПРОГРАММА

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. 13/ХI да Трубадур, 14/ХI да Оқуш кўли, 15/ХI да Чо-чюсан. ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/ХI да Парвоз, 14/ХI да Самандар, 15/ХI да Ўйғонган узун. МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/ХI да Унарлар, 15/ХI Замоналар ва Омонли, 16/ХI да Севинганлар хибони.

## КИНО

Кум карьеры генераллари — САНҲАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун), «ЧАЙКА» (куфт соатларда). Ташкиллар ва муҳлилар — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛИ» («СПУТНИК» (куфт соатларда)). Оқим иқлимидан киши — С. РАҲИМОВ номли, Р. ГҲОМ номли (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда). Булутлар ортда осмон — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИ» (куфт соатларда). Озодин нақадар наъшали сўз (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИ» (кундуз ва кечкурун). Қари қиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИ» (тоқ соатларда). Мухаббат рилтаси (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун). Бекуда шов-шув — ҲАМЗА НОМЛИ (кундуз ва кечкурун).

Тошкент шаҳар иқроия комитети Ички ишлар бошқармасининг коллективини Бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори Е. М. Насоветга отаси

МИСАХОН  
ИСАЕВИН  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор этади.

Индекс 64634.  
В. 1861.  
Р. 03818.